**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# ВИДЕО ДАРС МАВЗУСИ: “МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ХУДУДИДА ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”

**Тақдимот муаллифи: техника фанлари доктори, проф. Қ.Рахмонов**

**Тошкент, “ТИҚХММИ” МТУ-2025**

# ТАҚДИМОТНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

- Мавзунинг долзарблиги
- Тадқиқот мақсади ва вазифалари
- Тадқиқот объекти, предмети ва усуллари
- Тадқиқотнинг илмий янгилиги
- Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти
- Тадқиқотнинг асосий мазмуни



# МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ







Глобал ахборотлар оқими шароитида ер ахборот тизими таъминотининг жадаллашуви, тезкор вазиятни тавсифловчи, ишончли маълумотларни мунтазам йиғиб борилиши, унинг ўз вақтида ва сифатли таҳлил қилиниши ҳозирги шароитда ер участкаларига оид ер ахборот тизимини яратишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ер ахборот тизимини яратилиши ерга оид маълумотлар тизимини шаклланиши ва улардан фойдаланишда рақамли технологияларни кенг жорий қилинишига асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6061 сонли фармонига мувофиқ, онлайн геопорталга интеграция қилиниши, ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари фақат Миллий геоахборот тизимида юритилиши, Давлат кадастрлари ягона тизимини шакллантириш ва тегишли давлат кадастрлари маълумотлари Миллий геоахборот тизимига фақат телекоммуникация тармоқлари орқали тўғридан-тўғри тақдим этиб борилиши белгиланган.

Ушбу вазифаларни белгиланган вақтда амалга оширишда ер ахборот тизимининг мавжуд услубларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

## ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ



МФЙ ҳудудида ер ахборотлар тизимини шакллантиришнинг мавжуд услубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

# ТАДҚИҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. Ер ахборот тизимини такомиллаштириш нинг меъёрий-техник асосларини таҳлил қилиш.

2. Ер ахборотларини шакллантиришда ер ҳисобини юритиш услубларини такомиллаштириш.

3. Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги дастурини ишлаб чиқиш.

4. Маъмурий туманда ер ахборот тизимини маҳалла фуқаролар йиғини мисолида шакллантириш механизмини ишлаб чиқиш.



## ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ




**1-расм.** Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани
ер фонди, ердан фойдаланувчи субъектлар ва уларга бириктирилган ер участкалари.

# ТАДҚИҚОТНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ



**Ер ахборот тизимини такомиллаштиришнинг механизмлари меъёрий-техник ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.**

**Ер ахборотларини шакллантиришда ер участкаси майдонини ҳисоблаш бўйича қайдномани шакллантириш услуби такомиллаштирилган.**

**Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган.**

**Маъмурий туманда ер ахборот тизимини шакллантириш “Маҳалла электрон паспорти” веб илова асосида такомиллаштирилган.**

1

**Ер ахборот тизимини такомиллаштиришнинг механизмлари меъёрий-техник ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.**



2

**МФЙ худудида ер ахборотларини шакллантиришда ер участкаси майдонини ҳисоблаш бўйича қайдномани шакллантириш услуби такомиллаштирилган.**

## УЧИНЧИ ИЛМИЙ НАТИЖА

3

**Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган.**

## УЧИНЧИ ИЛМИЙ НАТИЖА

Тошкент вилоятида ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишлари тўғрисидаги дастур хусусида сўз юритар эканмиз, мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ислоҳотларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079 сонли фармонига мувофиқ тайёрланиб, фармоннинг 2 иловасида соҳага оид бир қатор ахборот тизимларини рақамлаштиришга тўхталиб ўтиш жоиздир. Жумладан, «Маҳалла» ягона ахборот тизимини ҳудудда жорий этиш ва «E-qaror» электрон тизимини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этишда ер ахборот тизими ўрнини аниқлаш.

## Дастурни уч босқичдан иборат ҳолда амалга оширилади:

### I босқич (2024-2025 йй.)

Сарф-харажат талаб қилмайдиган, ер муносабатларида сифатли ўзгаришларга олиб келувчи, ҳуқуқий-техник, ташкилий-бошқарув, ер ахборот таъминоти босқичларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган технологик характердаги чора-тадбирлар амалга оширилади.

### II босқич (2026-2028 йй.)

ЕАТни ишлаб чиқишда давлат бошқарувида ҳозирги ва келажак авлод, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва мулкдорлар манфаатлари мужассамлаштирилишига эътибор қаратилган ҳолда шаффоф ва ишончли ер ахборот таъминотини жорий қилиш.

### III босқич (2028-2030 йй.)

Ер ахборот тизимини шакллантириш жараёнига оид мониторинг ўтказиб бориш устидан давлат назоратини амалга ошириш.

## Дастурни амалга ошириш тамойиллари:

### I босқич

Электрон ахборот алмашув тизимини шакллантириш.

мулкий муносабатларни мувофиқлаштириш

истеъмолчилар билан ахборотлар ўртасидаги ўзаро таъсир қилиш механизмини аниқлаш

ЕАТни ягона тартибда ўтказилишини таъминлаш

ЕАТдан фойдаланганлик учун маблағ тўлаш тамойилини ўрнатиш

### II босқич

ер ахборот тизимини рақамлаштиришни таъминловчи дастурий-техникавий мажмуаларни татбиқ этиш

ягона тамойил, шакл ва жараён асосида тармоқ кадастрларини ўзаро ҳамкорлигини ташкиллаштириш

ахборотларни муҳофазалаш тизимини ишлаб чиқиш ва ташколлаштириш, ахборотлар хафвсизлигини таъминлаш

вилоят ер фонди ва маъмурий-худудий бирликлар бўйича ЕКАТни яратиш

### III босқич

ЕАТни бошқаришнинг тараққий этиш қонуниятларини, ерга эгалик ва ердан фойдаланишга тўлов тамойиллари ва услубиятларини тадқиқ қилиш

ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг янги шаклларига ўтишда ерларни муҳофаза қилишнинг илмий асослари ва ЕАТ услубиятларини ишлаб чиқиш

ЕАТни бошқаришга доир қонунчилик базасининг илмий асосларини такомиллаштириш

## ТЎРТИНЧИ ИЛМИЙ НАТИЖА

4

**Маъмурий туманда ер ахборот тизимини шакллантириш “Маҳалла электрон паспорти” веб илова асосида такомиллаштирилган.**

Амалдаги МФЙ паспортида ер ахборотлари чекланган тарзда ёки умумий ҳолда қайд этилган. Унда қайд этилган ер ахборотлари эса ердан фойдаланувчи субъектлар учун юритилаётган кадастр ҳужжатлари маълумотларига асосланган ҳолда шакллантирилмаган.

Ушбу ҳолат МФЙларда ердан фойдаланишга оид кўрсаткичларни ишончли ва шаффоф тарзда фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйган. Ҳудудда фаолият юритаётган ЕФСлар, уларга бириктирилган ер участкалари, жамоат фойдаланишидаги майдонлар, ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар ихтисослиги, ер майдони ўлчамлари, ер баҳолаш кўрсаткичлари қайд этилмаган.

Демак, МФЙ миқъёсида ер фондидан фойдаланиш даражаси, ер тақсимоти ва қайта тақсимоти, ер аукцион фаолияти, “бўш” ва заҳира ерлар тўғрисидаги маълумотларни олиш, таҳлил қилишда ҳамда ердан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ишончли манбаларга сезиларли даражада эҳтиёж юзага келмоқда.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида МФЙ паспортига илова дастурини ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилган.

# ТЎРТИНЧИ ИЛМИЙ НАТИЖА




7-расм. **Маҳалла электрон паспорти веб иловаси схемаси**

Олиб борилган изланишлар натижасида веб илова электрон дастур кўринишида ишлаб чиқилиб, муайян МФЙ учун жорий қилиш бўйича тавсиялар берилган.“Маҳалла электрон паспорти” веб ахборот тизими доирасида жисмоний ва юридик шахсларга масофадан туриб электрон хизматларни кўрсатиш назарда тутилган.



17













МФЙ ер майдонининг ер тоифалари бўйича тақсимоти

| № | | Майдони, га. |
|---|---|---|
| 1 | Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар | 267,71 |
| 2 | Аҳоли пунктларининг ерлари | 74,73 |
| 3 | Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар | 14,51 |
| 4 | Табиатни муҳофаза қилиш , соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар | Мавжуд эмас |
| 5 | Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар | Мавжуд эмас |
| 6 | Ўрмон фонди ерлари | 0,72 |
| 7 | Сув фонди ерлари | 24,15 |
| 8 | Захира ерлар | 1,47 |

**8-расм. Маҳалла электрон паспорти веб иловаси**

# ТЎРТИНЧИ ИЛМИЙ НАТИЖА

$$M_{ф/х} = \sum_{i=1}^{n} M_{ер\ контури} + \sum_{i=1}^{n} M_{ТЗЕ} + \sum_{i=1}^{n} M_{ЎЕФ} + \sum_{i=1}^{n} M_{ДЗЕ} = 84{,}97 \text{ га} \quad (7)$$

$M_{ер\ контури}$-фермер хўжалиги таркибидаги ер контурлари умумий майдони
$M_{ТЗЕ}$-фермер хўжалиги ҳудудидаги туман заҳира ерлари умумий майдони
$M_{ЎЕФ}$-фермер хўжалиги ҳудудидаги ўзга ердан фойдаланувчилар умумий майдони
$M_{ДЗЕ}$- фермер хўжалиги ҳудудидаги давлат заҳира ерлари умумий майдони

$$M_{МФЙ} = \sum_{i=1}^{n} M_{ЕФС} + \sum_{i=1}^{n} M_{ТЗЕ} + \sum_{i=1}^{n} M_{ЎЕФ} + \sum_{i=1}^{n} M_{ДЗЕ} = 383{,}19 \text{ га.} \quad (8)$$

Бунда,
$M_{ЕФС}$-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ердан фойдаланувчи субъектлар умумий майдони
$M_{ТЗЕ}$- маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги туман заҳира ерлари умумий майдони
$M_{ЎЕФ}$- маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ўзга ердан фойдаланувчилар умумий майдони
$M_{ДЗЕ}$- маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги давлат заҳира ерлари умумий майдони

## ХУЛОСАЛАР

1. Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда ер ахборот тизимини ривожлантириш қонуниятлари, афзалликлари, тамойиллари, хусусиятлари, ҳуқуқий-техник таъминоти ва хорижий тажрибаларни тадқиқ қилиш натижасида уни такомиллаштиришнинг назарий-методологик ёндашувлар ўрганилган.

2. МФЙ худудида ер ахборот тизимини такомиллаштириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали учун қўшимча хизматлар сифатида туман ва давлат заҳира ерлари ахборот тизимини яратиш, хусусийлаштирилган ер участкалари ахборот тизимини яратиш, шунингдек муҳандислик иншоотлари ҳимоя зоналари тўғрисидаги маълумотларни олиш бўйича хизматларни жорий қилиш афзалликлари асосланган.

3. Ҳудуддаги ер фондини умумий кўчмас мулк иқтисодиёти айланмасига тўлиқ қўшилиб кетиш жараёнида ундан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг такомиллашган тизимини яратиш заруриятини тақозо этади. Вилоят ер фондидан фойдаланиш ва унинг ҳудудий-маҳаллий бюджетига ундириладиган ер ҳақини адолатли тизимини жорий қилишга хизмат қилувчи Тошкент вилояти ер ахборот тизимининг 2030 йилгача мўлжалланган йўналишлари белгилаб берувчи дастур тавсия этилди.

4. Маҳалла фуқаролар йиғини ва муайян фермер хўжалиги ҳудудида ер ҳисоби аниқлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида жойига чиқмаган ҳолда тадбиқ этиш учун тегишли формулалар тавсия этилган.

5. “Маҳалла фуқаролар йиғини паспорти” ни электрон веб иловаси орқали ер ахборот тизими маълумотларини маҳаллалар кесимида таҳлил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларга масофадан туриб электрон хизматларни кўрсатиш, туман ва вилоят ер фондидан фойдаланишни назорат қилишда, шунингдек ер ахборотидан фойдаланувчиларга қулай имкониятлар яратилади.




Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган.

# Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши



O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Intellektual mulk agentligi

«Intellektual mulk konsultativ markazi» davlat unitar korxonasi

GUVOHNOMA

№ 004730

Муаллифлик ҳуқуқи объектларини депонентлаш тўғрисида

Ушбу ҳужжат орқали «Тупроқ бонитет балларини ўртача қийматини ... ма - муаллифлик ... тақдим этилгани ... шларича, мазкур ... , Абдураҳимова ...

... к ҳуқуқи объекти ... га тегишлидир.

... бек қизиларнинг ... ҳуқуқи объектини ...

... киритилган.

М.С. Мансуров



MUALLIFLIK HUQUQI OBYEKTLARINI DEPONENTLASH TO'G'RISIDAGI

GUVOHNOMA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI «INTELLEKTUAL MULK MARKAZI» DAVLAT MUASSASASI

№ 006893

Ushbu hujjat orqali «YER AXBOROT TIZIMINI SHAKLLANTIRISHDA MAHALLA ELEKTRON PASPORTINI ISHLASH MEXANIZMI» - nomli - **foydali ishlanma** - mualliflik huquqi obyekti sifatida deponentlash uchun taqdim etilgani tasdiqlanadi. Mualliflarning o'z arizalarida ko'rsatishlaricha, mazkur obyektning mualliflari **Raxmonov Kosimdjon (25%), Raxmonov Jaxongir Kasimdjanovich (25%), Raxmonov Sherzod Kasimdjonovich (25%), Abdurahimova Mohigul Oybek qizi (25%)** hisoblanadilar.

**Mualliflarning** arizalariga ko'ra, mazkur mualliflik huquqi obyekti uchun mutlaq huquqlar faqat yuqorida qayd etilgan shaxslarga tegishlidir.

**Raxmonov Kosimdjon, Raxmonov Jaxongir Kasimdjanovich, Raxmonov Sherzod Kasimdjonovich, Abdurahimova Mohigul Oybek qizilarning** tasdiqlashlaricha, yuqorida keltirilgan mualliflik huquqi obyektini yaratishda uchinchi shaxslarning huquqlari buzilmagan.

Reestrga **2023 yil «21» noyabrda 006893-raqam bilan** Toshkent shahrida kiritilgan.

Direktor ________ B.T.Sagdullayev



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI

MA'LUMOTNOMA



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
"ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ" МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўқув ишлари бўйича проректор
т.ф.д., проф. Б.А.Худаяров
«30» 01 2023 йил.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
т.ф.д., проф. Т.З. Султонов
«30» 01 2023 йил.

Илмий тадқиқот натижаларини ўқув жараёнига татбиқ қилиш тўғрисида

Тошкент ш.

| № | Муаллифлар | Бажарил... |
|---|---|---|
| 1 | Қ.Рахмонов, М.Абдураҳимова | "Ер ахбор... фанидан ... |
| 2 | Қ.Рахмонов, М.Абдураҳимова | "Ер ахбор... фанидан ... |

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи Д.Хожиев

Илмий муассиф ... К.Рахмонов

"Давлат кадастрлари" кафедраси мудири К.Рах...



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QO'MITASI HUZURIDAGI
KADASTR AGENTLIGINING TOSHKENT VILOYAT BOSHQARMASI

2022 yil «20» 12 01-2752-son Nurafshon sh.

"Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti" Milliy tadqiqot universiteti

Universitet tayanch doktoranti Abdurahimova Mohigul Oybek qizining texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy ishi bo'yicha ilmiy yangiliklarini amaliyotga joriy etish yuzasidan
MA'LUMOTNOMA

Tayanch doktorant Abdurahimova Mohigul Oybek qizining "Yer axborot tizimini shakllantirishda innovatsion texnologiyalarni tadbiq qilish (Toshkent viloyati misolida)" mavzusidagi (PhD) doktorlik dissertatsiyasi natijalari bo'yicha quyidagi ilmiy taklif va tavsiyalari Kadastr agentligining Toshkent viloyati boshqarmasi amaliyotida foydalanish uchun joriy qilindi.

Dissertatsiya ishini bajarishda Toshkent viloyatida innovatsion texnologiyalar asosida mavjud yer axborot tizimini takomillashtirish bo'yicha ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 7 sentyabrdagi "Yer hisobi va davlat kadastrlarini yuritish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PF-6061 sonli farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 8 iyundagi "Yer munosabatlarida tenglik va shaffoflikni ta'minlash, yerga bo'lgan huquqlarni ishonchli himoya qilish va ularni bozor aktiviga aylantirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PF-6243 sonli farmoni va 2021 yil 24 fevraldaagi "Qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yerlardan foydalanish va muhofaza qilish tizimini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" PQ-5006 sonli qarori ijrosini ta'minlashda keng ko'lamda foydalanib kelinmoqda.

Xususan:

yer axborot tizimini huquqiy-texnik jihatdan takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqilgan;

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

Т.ф.д. Рахмонов Қосимжон

mohigul_9429@mail.ru